



“ҲАЁТ ДАВОМИДА ЎҚИШ” ТАМОЙИЛИ АСОСИДА МАВЗУ “ИННОВАЦИОН ИШЛАНМАСИ”НИ ТАЙЁРЛАШ МЕТОДИ

М.М.Аҳмедов - ФарДУ Технологик таълим кафедраси доценти,
С.М.Рўзиматова - ФарДУ Технологик таълим кафедраси ўқитувчиси,
З.А.Тешабоев - Фарғона вилояти педагоглари методикаларга ўргатиш
миллий маркази, “Педагогика, психология ва таълим технологиялари”
кафедраси ўқитувчиси.

Аннотация: Ушбу илмий мақолада “Ҳаёт давомида ўқиш” тамойили асосида мавзу “Инновацион ишланмаси” тайёрлашнинг инновацион характерга эга бўлган методи ишлаб чиқилган ва таълим жараёнида қўллаш тавсия этилган.

Калит сўзлар: “Ҳаёт давомида ўқиш” тамойили, инновацион ишланма, инновацион ёндашув, инновацион таълим, таълим технологиялари, инновация, новация, Давлат таълим стандарти.

Мамлакатимиз таълим тизимида бугунги долзарб муаммо умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларнинг ривожланган мамлакатлар талаби даражасида салоҳиятга, ижодкорликка ва педагогик маҳоратига эга бўлиши, ўқувчиларнинг эса давлат таълим стандартлари талаблари даражасиди билимга эга бўлиши ва таълим муассасасининг таълим-тарбия жараёни самарадорлигини янада юқори даражага кўтариш юзасидан бир қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган.

Юқорида зикр қилинган долзарб муаммоларни ечимини топиш йўлида куйидаги “Ҳаёт давомида ўқиш” тамойилини асосида мавзунинг “Инновацион ишланмаси”ни тайёрлаш методини тавсия этишни ва уни ўқув жараёнига қандай тартибда қўллаш мумкинлигини изоҳлашдан иборат бўлиб, мавзу мазмунига доимий (кун, ой, ва йиллар давомида) янги маълумотлар билан бойитиб, тўлдирилиб боровчи механизм сифатида муаммоларни бартараф этиш йўллари ўрганиш мақсад қилиб олинди.

Таълим тизимида дарс мавзуси учун асосий манба дарслик бўлиб, унда мавзунинг минимал хажми акс этади. Чунки, давлат таълим стандартида ўқувчиларнинг билим даражаси, мазмуни ва мажбурий минимал хажмга қўйилган талаблар сифатида изоҳланади.

Дарсликда фаннинг ўқув дастури асосида дидактик, методик, педагогик, психологик, эстетик ва гигиеник талабларга жавоб берадиган ва ўқувчининг ёши ва унинг психологик хусусиятларини эътиборга олган ҳолда тайёрланади. Одатда дарсликлар 1-синфларда ҳар йили 2, 3, 4-синфларда ҳар икки йилда, 5-11 синфларда эса ҳар тўрт йилда чоп этилишини ҳисобга олсак, 2-11 синфларда фан ва техниканинг сўнги янгиликларни дарсликларга киритиш, ўқувчиларга ушбу янгиликларни ўз вақтида етказишда муаммолар пайдо бўлади.





Ҳозирги кунда Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан ўқитувчиларга иш фаолиятида енгиллик яратиш мақсадида дарс конспектларини ёзиш бекор қилинган. Албатта, бу тўғри ечим эканлигига шубҳа йўқ. Лекин, ўқитувчиларни дарс давомида дарслик доирасида мавзуни тушинтириб бериш билан боғланиб қолади, мавзу юзасидан қўшимча адабиётлардан фойдаланиш ва мавзу матнини тайёрлашни чеклаб қўяди.


Ҳозирги кунда фан ва техника оламида, шунингдек, таълим соҳасидаги глобаллашув жараёнида ўқувчилар оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали янгиликлардан хабардор бўлиб бораётганлигини инобатга олсак, фан ўқитувчиси ҳам ўз дарс мавзусини мунтазам равишда янгиликлар билан бойитиб бориши ва ўқувчилар билими ҳамда таълим самарадорлиги юзасидан олимлар бир қатор илмий тадқиқот натижаларини тавсия этмоқдалар.

Шу нуқтаи назардан, дарсликдаги маълумотларнинг ҳажми минимал талаб даражасида эканлиги, дарс конспекти дарс жараёни талабларига жавоб бермаганлигини эътироф этиш мумкин. Ривожланган мамлакатлар таълим тизими талаблари ва мамлакатимиз давлат таълим стандартлари талабларини эътироф этган ҳолда ҳозирги кун талабидаги дарс ишланмасини тайёрлаш масаласи долзарб муаммо сифатида кун тартибида турибди.

Келинг ушбу жараённи изоҳлайлик. Маълумки ҳар бир фан ўқитувчиси дарс жалвали асосида келгуси кун ўқув машғулотларига тайёргарлик кўради. Конспект тайёрлайди. Айтайлик ўқитувчининг эртагалик дарси 4 ёки 5 соат ва ундан ҳам кўпроқ бўлиши мумкин, албатта бу дарсларга тайёрганлик кўриш керак. Республиканинг мактабларида деярли 2 сменада ташкил этилганлигини эътиборга олсак, бу вазият янада чигаллашади. Муаммонинг яна бир томони ўқитувчининг ҳонадонига меҳмон келди (одатда меҳмон ишдан кейин яъни кечқурун келади) ёки турли хил иссиқ ва совуқ маросимлар ҳам гоҳида бўлиб туради. Инсон бор экан бу каби тадбирлар бор. Ушбу кунларда ҳам ўқитувчи эртагалик дарсга тайёргарлик кўради ва дарс конспекти тайёрлайди. Ҳулоса шуки, эртадан кечгача уйда меҳмон кузатган ўқитувчи эртагалик дарсларга қандай тайёргарлик кўради ва қандай дарс конспекти ёзади. Бу муаммони ечимини қандай ҳал қилади. Шу каби муаммоларни бартараф этиш мумкин.

Келинг мана шу муаммони ечимини топишга ҳаракат қилайлик. Ушбу муаммони бартараф этиш мақсадида ҳозирги кун глобаллашув жараёни талабларига жавоб бурувчи мукамал тайёрланган мавзу ишланмасини тайёрлашни тақозо этади.

Ушбу мавзу ишланмаси – ўқитувчи фаолияти (илмий-методик салоҳияти, ижодкорлиги, педагогик маҳорати) даражасини аниқловчи меъзон сифатида дарс мавзусининг долзарблиги, мақсади ва вазифалари мазмун-моҳиятини очиқ берувчи режа, лойиҳа ҳужжати бўлиб хизмат қилади.





Ўқитувчининг мавзу ишланмаси бор ёки йўқлиги учун ҳеч ким олдида ҳисобдор бўлмайди, фақатгина ўзининг илмий-методик билими ва педагогик маҳорати ва тажрибасидан келиб чиқиб мавзу матни тўлдириб борилади.

Бунинг бир қатор сабаблари бор. Маълумки, Давлат таълим стандарти ўқувчиларнинг билим даражаси, мазмуни ва мажбурий минимал ҳажмга қўйилган талабларни белгилайди дейилган.


Ушбу талабларнинг бири мажбурий минимал ҳажм эканлигини эътиборга олсак, ўқув дарсликлари минимал ҳажмга келтирилган, яъни ҳар бир мавзу 2,5-3 бетдан кўп эмас. Демак, дарсликнинг ҳар бир мавзусининг долзарблиги, мақсади, вазифаси ва ҳулосадан иборат бўлиб, жами 3 бетгача ҳажмга келтирилган. Бунинг сабаби мактабларда дарс жараёни 6-8 соатни ташкил этганлиги ва ҳар бир фан учун мажбурий минимал ҳажмда тайёрланган дарсликдан иборат. Чунки, мавзуларнинг саҳифалари ҳажми чекланмаса, дарслик китобларининг ҳажми ва оғирлиги ортади, бу эса ўқувчига, айниқса 1-4 синф ўқувчилари, қолаверса юқори синф ўқувчиларига ҳам оғир китобларни сумкада кўтариб юришига тўғри келади. Бу эса ўқувчиларнинг психологик ёш хусусиятлари ва гигиеник талабларга зид, албатта. Шу ва шу каби сабабларга кўра дарслик ҳажми чекланган бўлиши бизга маълум.

Бунинг натижасида дарсликдаги мавзуларнинг ҳажми минимал даражада чекланганлиги мавзунинг мазмуни ва ўқувчиларнинг мавзу юзасидан олган билим даража кўрсаткичи камаяди. Бу эса ўқувчиларнинг билим даража кўрсаткичини 3 ва ундан паст кўрсаткичларга пасайиб кетишига олиб келади. Шу нуқтаи назардан мушоҳада қиладиган бўлсак, дарсликлардаги манбалар ўқувчилар билимининг ҳозирга замон талабларига жавоб бера олмаслик ҳолларини келтириб чиқаради.

Дарсликлардаги мавзуларнинг мазмун-моҳиятига кўра минимал ҳажм, мазмун ва билим даражага эга эканлигини эътиборга олсак, дарс конспектидан воз кечсак якуний натижа ўз ўзидан максимум 3 баҳони ташкил этади.

Хўш, ўқувчилар қачон 4 ва 5 баҳога оладилар? Шу нуқтаи назардан ўқув жараёнини ташкил этишда ўқувчиларга таълим-тарбия беришда ҳозирги замон талаблари даражасида ижросини таъминлаш учун дарсликда берилган маълумотлардан ташқари қўшимча адабиётлардан, хусусан, ўқув ва услубий қўлланмалар, услубий тавсия ва кўрсатмалар, шунингдек, оммавий ахборот воситалари маълумотлари ҳамда интернет тармоғи манбааларидан фойдаланиб, дарсликдаги мавзуларни илмий-методик жиҳатдан бойитишни зарурати пайдо бўлади.

2022 йил 27 январь куни Президентимиз томонидан “Мактаб таълимини ривожлантириш”га боғишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам Халқ таълими вазирига мактаб ўқув дарсликларини қайта кўриб чиқиш, дарсликларни мазмунан бойитиб, илғор тажрибалар асосида тўлиқ янгилаш вазифаси қўйилди.





Давлат таълим стандартлари талаблари даражасида ёзилган мавжуд дарсликлардаги мавзуларнинг мазмун-моҳиятини минимал ҳажм даражасида тайёрланишини эътиборга олсак, ҳусусан, умумий ўрта таълим мактабларида мавзунинг “Дарс конспекти” машғулот бошланишидан бир кун олдин, касб-хунар коллежлари ва олий таълим тизимида мавзунинг “Дарс ишланмаси”, шунингдек, ўқув-услубий мажмуаси бир ўқув йили учун тайёрланади ва келгуси ўқув йилига янги санини тайёрлаш лозим бўлади.

Шу нуқтаи назардан “Мавзу ишланмаси” ни фан бўйича давлат таълим стандартлари талаблари доирасида бир марта пухта қилиб тайёрланади ва кунма-кун, ойма-ой ва йилма-йил маълумотлар билан бойитиб, тўлдирилиб боровчи механизм сифатида тавсия этиш мумкин.

Ушбу “Мавзу ишланмаси” - ўқитувчи фаолияти (илмий-методик салоҳияти, ижодкорлиги, педагогик маҳорати) даражасини аниқловчи меъзон сифатида дарс мавзусининг долзарблиги, мақсади ва вазифалари мазмун-моҳиятини очиб берувчи режа, лойиҳа ҳужжати бўлиб хизмат қилади.


Мазкур “Мавзу ишланмаси”нинг афзаллиги шундаки, ўқитувчи фан мавзуларига алоқадор бўлган ҳар бир мавзу матнига ўз вақтида йилма-йил, ойма-ой ва кунма-кун барча янгиликлар билан бойитиб боради ва шу билан бир қаторда “Мавзу ишланмаси”нинг банкини шакллантириб боради.

Ўқитувчининг мазкур шакллантирилган мавзу ишланмасидан фойдаланиши бир мунча қулайликларга эга бўлади. Масалан: Ўқитувчи дарсга тайёргарлик кўришда турли хил адабиётлар, ўқув ва услубий қўлланмалар, услубий тавсия ва кўрсатмалар, оммавий ахборот воситалари, шунингдек, интернет маълумотларидан фойдаланишда кутубхоналар ва ахборот ресурс марказларидан ахтариб топиш зарурати бўлмайди. Чунки, ушбу мавзу юзасидан қўшимча янги маълумотлар “Мавзу ишланмаси”да ўз аксини топган.

Шундай қилиб, ўқитувчи “Ҳаёт давомида ўқиш” тамойили асосида тайёрлаган шахсий банки - “Мавзу ишланмаси”дан фойдаланиб қисқа вақт ичида кенг қамровли маълумотларга эга бўлади ва ўзининг қимматли вақтини тежайди ва ўқувчига ҳар бир мавзу юзасидан кенгроқ маълумотлар бериш имкониятига эга бўлади. Натижада, ўқувчилар билим даражаси ортади ва умумий ўрта таълим мактаби таълим-тарбия жараёнининг самарадорлиги янада юқори даражага кўтарилади.

Бугунги кунда Давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари билан барча илм аҳлига “Ҳаёт давомида ўқиш” тамойилини таклиф этар экан, фан ўқитувчиси ҳар бир дарсни келажак асари сифатида қараб, юқори даражада кўтаринки руҳ билан талқин қилинишини истайди.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, халқ таълими тизимида ҳар бир дарс мавзусининг ишланмасини тайёрлашда алоҳида эътибор билан “Мавзу ишланмаси” шаклида тайёрлайди ва келгуси йилларда “Ҳаёт давомида ўқиш”





тамойилини асосида йилма-йил маълумотлар билан бойитиб, тўлдирилиб боровчи механизм сифатида ишлаб чиқилади.

“Мавзу ишланмаси” маълумотлари мунтазам янги материаллар билан бойитиб бориш жараёнини эътиборга олсак, мазкур мавзу ишланмасини мавзунинг “Инновацион ишланмаси” деб номлаш мумкин.

Ўқитувчи мавзунинг “Инновацион ишланмаси” матнини тайёрлар экан, дарс жараёнида мумкин даражада назарияни амалиёт билан боғлашга эътибор қаратиши лозим. Ўқитувчи дарс жараёнини тақдимот шаклида намойиш этиш орқали олиб борса, ўқувчининг эса сақлаб қолиш даражаси ортади.

Шунингдек, ўқитувчи ўқувчининг дунёқараши, мантиқий ва ижодий фикрлаши, берилган топшириқ бўйича ўқув дастури доирасида, ностандарт ечимларни латериал фикрлаш орқали берилишини инобатга олиш керак. Чунки, латерал фикрлаш, бу аввало фан ўқитувчисининг инновацион фаолиятга тайёрлашда, ўқитувчи томонидан кўйилган педагогик вазифаларга янги ёки ностандарт ечимларни топишда ва мустақил таълим жараёнини ташкил этишда ностандарт ўқув вазиятларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Мавзунинг “Инновацион ишланмаси” ўқувчиларнинг билим даражаси, муассасасининг эса таълим-тарбия жараёни самарадорлигини ортишига “туртки эффекти” вазифасини ўтайди ва янада юқори даражага кўтарувчи асосий омил вазифасини ўтайди.

Мавзунинг “Инновацион ишланмаси”нинг дарс конспекти (*умумий ўрта таълим мактабларида бир кун олдин тайёрланар эди*) ва дарс ишланмалари (КҲК, АЛ ва ОТМ ўқув йилининг бошида тайёрланади)дан фарқи шундаки, мавзунинг “Инновацион ишланмаси” йиллар давомида дарс мавзусининг мазмуни янгиликлар билан бойитиб, тўлдириб борилади.

Мазкур мавзунинг “Инновацион ишланмаси”ни тайёрлаш жараёни фан ўқитувчиси томонидан ўқув йили бошида муфассал тайёрланади. Тайёрланган мавзу ишланмаси биринчи ўқув йилида фан ўқитувчиси томонидан фойдаланила бошлайди. Фан ўқитувчиси ўқув йили давомида фан ва техника янгиликлари, таълим тизими ва фанга оид янгиликларни, шунингдек, мавзуга оид янгиликларни ўрганиб боради ва мавзу ишланмасига киритиб боради.

Дарснинг проворд натижаси ўқувчининг билим сифати ва даражаси билан баҳоланар экан, ўқитувчининг салоҳияти, ижодкорлиги, тажрибаси ва педагогик маҳорати таълим тизими учун алоҳида муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун, ўқитувчидан доимий изланиши ва ўз устида мунтазам ишлаб бориш талаб этилади.

Худди шу тартибда янгиликлар билан тўлдириб борилган мавзу ишланмаси келгуси ўқув йили учун мавзунинг “Инновацион ишланмаси” сифатида мавзулар мазмун жиҳатидан тўлдирилган ҳолда фойдаланиш имконияти пайдо бўлади.





Демак, ҳар бир фан юзасидан тайёрланган мавзунинг “Инновацион ишланмаси” фан ўқитувчиси фаолият кўрсатган йиллар давомида мунтазам янгидан ишлов бериб борилади ва йиллар давомида мазмунан янгиликлар билан бойиб, мазмунан сайқалланиб боради.

Ўқитувчининг эса бу йиллар давомида тажрибаси, малакаси, ижодкорлиги, салоҳияти, компетентлилик даражаси ортиб боради, натижада юқори обрў-эътиборга ва олий тоифали ўқитувчи деган эътирофга эга бўлади.

Юқоридаги фикрлардан қуйидагича хулоса қилиш мумкинки, халқ таълими тизимида мавзунинг “Инновацион ишланмаси” фан бўйича давлат таълим стандартлари талаблари доирасида биринчи марта пухта дарс ишланмасини тайёрлаб, келгуси йилларда “Ҳаёт давомида ўқиш” тамойилини асосида мавзу ишланмасини мунтазам маълумотлар билан бойитиб, тўлдирилиб борувчи механизм сифатида, яъни мавзунинг “Инновацион ишланмаси”ни тайёрлаш методини тавсия этиш мумкин. Демак, мавзунинг “Инновацион ишланмаси” йиллар давомида мазмунан бойитиб борилади ва келгуси йилларда ҳам янги маълумотлар банки билан тўлдириб бориш давом этади. Чунки, мавзунинг “Инновацион ишланмаси”ни тайёрлаш методидан фойдаланиб, ўқитувчи томонидан тайёрланган “Инновацион ишланма” йиллар давомида янгидан янги манбаалар билан бойитиб борилаверади ва унга нуқта қўйилмайди. Натижада, ўқитувчи томонидан йиллар давомида тайёрланган мавзунинг “Инновацион ишланмаси”ни тайёрлаш методи асосида тайёрланган ишланмани таълим жараёнига тадбиқ этилса ўқувчини билим сифати ва таълим самарадорлиги ортади, ўқитувчи турли хил кутубхоналар, ахборот ресурс марказлари ва ахборот воситаларидан манбалар излашга зарурат бўлмайди, қолаверса, эртагалик ўқув машғулоти учун дарс ишланмалари ёзмайди. Мазкур тежалган вақтда ўқитувчи ўз устида ишлаш, маънавий-маърифий ишларда фаол иштирок этиш, қолаверса оила аъзолари билан мулақот қилиш учун вақт топади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. М.М.Ахмедов, Т.Ахмедов, Я.Усмонов, С.Рузиматова. /О показателях качества и эффективности образования в этапах реализации./ “Международный центр науки и образования”. Научный журнал UNVERSUM: Психология и педагогика образование. г. Москва. 2020 г. Вып. № 1(67)

2. М.М.Ахмедов, И.Солижонов, Н.Носиров. Роль компетенций в создании инновационной среды обучения./ Мирская общественная наука. Научно-практический журнал. Москва. 3. 2018 г.

3. З.А.Тешабоев “Мавзунинг инновацион ишланмаси” таълим сифати ва самарадорлигининг муҳим омили. Ўқув қўлланма./ФВПХҚТМОҲ маркази. Фарғона 2022.





4. М.М.Аҳмедов, В.Т.Ражапов, З.А.Тешабоев.//Ўқитиш жараёнида ташкилий ва инновацион синф-дарс шаклларида фойдаланиш.(услугий тавсиянома).// ФВПҲҚТМОҲ маркази. 2022 йил 7 апрель 9-сонли баённома.

5. М.М.Аҳмедов, З.А.Тешабоев, Ф.А.Сахибова /“Ҳаёт давомида ўқиш” тамойили асосида мавзу ишланмаси тайёрлашнинг дидактик хусусиятлари(Услугий тавсиянома)// ФВПҲҚТМОҲ маркази. 2022 йил 7 апрель 9-сонли баённома.

6. М.М.Аҳмедов, З. Тешабоев, Г.Хожикаримова. /Таълим тизимида ислохатлар// Международный научный журнал “Грааль науки” № 4 (Травень, 9 апрель 2021) Венеция, Италия С.475-477

7. М.М.Аҳмедов, З.Тешабоев Г.Хожикаримова //Ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш//Международный научный журнал «Вестник науки» опубликована № 11 (44). Г.Тольятти от 7 ноября 2021 г.

8. М.М.Аҳмедов, З.А.Тешабоев, Г.Т.Хожикаримова, С.М.Рўзиматова. /Технологик таълим жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш механизмини такомиллаштириш механизмини такомиллаштиришнинг илмий-методик асослари.// Международный научный журнал. ORIENTAL RENAISSANCE: Innoralirc, ceducational, natural andsocial scicnces.Volume 2 ISSUE 8. August 2022. стр.336-342 ISSN 2181-1784

9. М.М.Аҳмедов, З.А.Тешабоев./“Ҳаёт давомида ўқиш” тамойили асосида инновацион характерга эга бўлган “Мавзунинг инновацион ишланмаси” тайёрлаш.//ФарДУ ИЛМИЙ ХАБАРЛАР. № 2 -2022 йил 36-39 бетлар. Фарғона ш.

10. М.Аҳмедов, З.Тешабоев, Г.Хожикаримова //Education system - integrated process// International Journal of Early Childhood Special Education (INT-JECSE) ISSN: 1308-5581 Vol 14, Issue 03 2022 4211-4214

11. М.Аҳмедов, Г.Хожикаримова, Р.Бойбобоев, Г.Сафарова //Supporting innovative approaches in the education system// ACADEMICIA: An international multidisciplinary research journal Vol 11, Issue1, Janury 2021, Indiya

12. Аҳмедов М.,Солижонов И.Носиров Н. Инновацион таълим муҳитини шакллантиришда компетенцияларнинг аҳамияти. World social science. Scentific - practical journal. Москва. 3. 2018 г.

